O'ZBEKISTON
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



2002 йил 2 март шанба
Сотувда эркин нархда
№ 44 (2872)

# ҲАМФИКРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 февраль - 1 март кунлари Марказий Осиё давлатлари ҳамда МДҲнинг Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган саммитларида иштирок этди*



Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашуви "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини расмийлаштириш билан якунланди. Таъкидланганидек, тўрт Президентнинг ўтган йилнинг декабрида бўлган Тошкент учрашувида эришилган келишув Алматида ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббуснинг эгаси — Ислом Каримов ҳақли равишда янги ташкилотга раис этиб сайланди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ўзгариши билан бу тўрт мамлакат олдида янги имкониятлар пайдо бўлди. У энди нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа турдаги алоқалар кўламини кенгайтиришга йўл очади.

Янги ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у бюрократик тузилма бўлмайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан бевосита давлат раҳбарига ҳисобот берадиган биттадан мувофиқлаштирувчи вакил тайинланади. Улар ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аъзо мамлакатларнинг интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги нуқтаи назарларини яқинлаштириш ва мослаштириш, турли вазирлик ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва умумий вазиятни таҳлил этиш билан шуғулланади.

Мисол тариқасида МДҲни келтириш мумкин. Ҳамдўстликнинг турли органларида икки мингга яқин ходим ишлайди. Лекин самара кутилганидек эмас. "Марказий Осиё ҳамкорлиги"да эса асосан тўртта миллий мувофиқлаштирувчи вакил фаолият юритади, холос. Қолган ишларни ташқи сиёсат маҳкамаларининг тегишли ходимлари, ўзаро ҳамкорликка алоқадор бошқа вазирлик ва муассасалар бажараверади.

Шундай қилиб, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" зиммасига минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш вазифаси юкланмоқда. Табиийки, энди у томонларга хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам баҳамжиҳат иш кўришга тўла ҳуқуқ беради. Аъзо мамлакатлар террор, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ғайриқонуний миграция, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бир-бирига ёрдам беради.

Саммитда таъкидланганидек, минтақада савдо-сотиқ, коммуникация, сайёҳлик каби соҳаларда ягона инфратузилмаларни шакллантириш лозим. Бу глобаллашув жараёнида фақат фойда келтиради. Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини ҳам илгари сурди. Бу халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга, қўшнининг ҳолидан бохабар бўлиб туришга, шунингдек, давлатлар ўртасида очиқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Демак, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади. Бу эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг асосий омилидир.

Ислом Каримов Қозоғистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг норасмий саммитида ҳам иштирок этди. Президентлар Алмати шаҳри яқинидаги "Чимбулоқ" соғломлаштириш мажмуида учрашди. Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокараларда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари Ҳамдўстликда иқтисодий интеграция жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атрофлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, таклиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир Президент иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли "Чимбулоқ"да давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашди. Учрашувда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Алмати-Тошкент.**
**СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Норов Бернда ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Швейцариядаги элчиси этиб тайинланганини муносабати билан Швейцария Конфедерацияси Президенти К. Филлигерга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни таъкидланди, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

**«Жаҳон» АА.**

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

*Ўзбекистон Республикаси енгил саноати мамлакат иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди*

Бу тармоқ "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмасига бирлашган 15 та кичик ва 102 та йирик корхонадан иборат. Мазкур уюшма эса пахта толасини қайта ишлайди ва йилига 130 минг тонна йигирилган ип, 500 миллион квадрат метр газлама, 2,5 миллион квадрат метр гилам, 62,1 миллион дона трикотаж маҳсулоти, 32 миллион жуфт пайпоқ, турли хил тикувчилик буюмлари, чинни идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бугунги кунда республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, енгил ва тўқимачилик саноатида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиляпти. Ушбу ислоҳотлар асосида енгил саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Енгил саноатни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, республикамизда йирик хомашё базаси мавжудлиги тармоқда ислоҳотларни янада жадаллаштиришга ёрдам берди ва биринчи навбатда, бозор муносабатларига ўтиш масаласига жиддий эътибор қаратилди, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси раиси Ботир Эргашев. — Давлатимиз раҳбари иқтисодиётга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш лозимлигини ҳамиша таъкидлаб келмоқда. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

1991 йилгача республикамизда 4 та йирик тўқимачилик мажмуи — Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона комбинатлари барпо этилган бўлса, кейинги беш йил ичида 11 та йирик пахтани қайта ишлаш корхонаси, яъни "Кобул-Ўзбек Ко" қўшма корхонасига бирлашган Тўйтепа шаҳри ва Тошкентнинг «Кўкча» мавзесида 2 та йирик корхона, "Косонсой-текмен", "Папфен" қўшма корхоналари, "Намангантўқимачи", "Қаштекс", "Гурлан", "Антекс" акциядорлик жамиятлари, "Аснамтекстиль" қўшма корхонаси, крахмал ишлаб чиқариш заводи, "Қоракўлтекс" ва "Мидатекс" қўшма корхоналари фойдаланишга топширилди. Ушбу корхоналардаги инвестицияларнинг умумий миқдори 420,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўтган йили ҳам енгил саноат тизимида инвестиция дастури муваффақиятли амалга оширилди. Умумий қиймати 248,1 миллион долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида йирик тўқимачилик мажмуалари — Фарғона шаҳридаги "Кобул-Фарғона Ко" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги "Чиноз тўқимачи" Ўзбекистон—Туркия—Япония қўшма корхонаси барпо этилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Наврўз байрами арафасида эса Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадиган яна бир янги "Оқсарой тўқимачи" қўшма корхонаси ҳам ишга туширилди.

Юртбошимиз "Кобул-Фарғона Ко" қўшма корхонаси очилишида сўзлаган нутқида: "Бугунги кунда фақат хомашё эмас, аввало, шу хомашёдан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад топиш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишсизликни кескин камайтириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

Агар биз мана шундай замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фақаттина пахта хомашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва хазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валюта билан тўлдириш, ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз", — деб таъкидлаган эди. Шу боис соҳа олдига яқин беш йил ичида пахта толасини қайта ишлашни янада кўпайтиришга эришиш ва экспорт ҳажмини 2005 йилда 550 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилди.

**Меҳри БОЛЛИЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ОНА-ЗАМИН НАФАСИ

**Жума хабарлари**

### МАМЛАКАТИМИЗДА:

**• Нукус шаҳридаги 4-ўрта мактабда мусиқа муаллимлари беллашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур касб соҳибларининг жаҳон ва қорақалпоқ мусиқа санъати соҳасидаги билимлари синовдан ўтказилди. Ольга Чабанова, Нажметдин Муҳаметдинов, Худойберган Турдиқулов, Қурбонбой Заретдиновлар жаҳон мусиқа санъати намояндалари ҳамда ўзбек бастакорларининг ижодидан яхши хабардор эканликларини намойиш этдилар. Шаҳардаги 1-гимназия мусиқа муаллимаси О.Чабанова эса танлов ғолиби бўлди.**

**• Қўрғонтепа туманида савобталаб инсонлар кўп. Ана шулардан бири «Савай» ширкат хўжалигининг раиси Рустамжон Абдуллаевдир. Ўтган йили олинган соф фойда ҳисобидан у тумандаги 43 ва 44-мактабларга сўнгги русумдаги иккита компьютер совға қилди. Жамоатчи мухбиримиз Б.Сиддиқовнинг хабар қилишича, хўжалик томонидан 41-мактабга эса рангли телевизор туҳфа этилди.**

**• «Шаҳри Кеш» қўшма корхонаси ҳақида эшитганмисиз? Туркиянинг «Туркистон ЛТД-ШТИ» компанияси ва Шаҳрисабздаги «Дон — халқ ризқи» ҳиссадорлик жамияти томонидан ташкил этилган ушбу корхона бир кунда 150 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эгадир. Европа технологияси асосида барпо этилган ва компьютерлаштирилган тегирмон цехи халқаро андозаларга мос, юқори сифатли ун маҳсулотлари тайёрламоқда.**

**«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс».**

### ЧЕТ ЭЛЛАРДА:

**• Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай 11-12 март кунлари Россияга расмий ташриф буюради. Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов ана шу ҳақда маълум қилган.**

**• Ҳиндистоннинг Гужарат штатида диний низолар натижасида сўнгги икки кунда 133 киши ҳалок бўлган. Бу тартибсизликларни бартараф этиш учун Гужаратга Ҳиндистон армиясининг махсус бўлинмалари юборилган.**

**• АҚШ ҳукумати Яман давлатига бир гуруҳ ҳарбийларни юборишга қарор қилган. Улар Яманда жойлашган «Ал-Қоида» экстремистик ташкилоти жангариларига қарши кураш амалиётида қатнашаётган аскарларни тайёрлашда кўмаклашадилар.**

**• Кеча НАТО Куролли Кучлари аскарлари Босниядаги Радован Каражич яширинган деб гумон қилинаётган қишлоқни куршовга олишган. Амалиётлар натижалари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.**

**Эслатиб ўтамиз: Каражич Халқаро трибунал томонидан ҳарбий жиноятларда айбланмоқда.**

**• Жорж Буш АҚШнинг Афғонистондаги элчисини тайинлади. Ушбу лавозимни эгаллаган тажрибали дипломат Роберт Патрик Жон Финн 1998-2001 йилларда АҚШнинг Тожикистондаги элчиси вазифасида хизмат қилган.**

**• Франция Гвианасидаги Куру космодромидан учирилган «Ariane-5» ракетаси Европа космик агентлиги (ЕКА) «ENVISAT» йўлдошини орбитага олиб чиқди. Бу ЕКАнинг энг қимматбаҳо (2,2 миллиард АҚШ доллари) йўлдоши бўлиб, вазни 8,1 тоннани ташкил этади.**

**У ерни экологик мониторинг қилиш учун мўлжалланган.**

**«Интернет».**

### Пойтахтимизда



***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси пойтахт бўлими кенгашининг ҳисобот-сайлов мажлиси бўлиб ўтди.***

## Вазифалар белгиланди

Унда шаҳар бўлими асосий эътиборни кексаларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўламини кенгайтиришга қаратаётгани қайд этилди. Бу борадаги галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

М.Зуфаров Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кенгашининг раиси этиб қайта сайланди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов сўзга чиқди.

## ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида мамлакатимиздаги айрим илм ва тиббий муассасаларига ажратилган грант-шартномалар имзоланди. Умумий ҳажми 441 минг АҚШ долларидан ортиқ грант-шартномалар Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах, Фарғона вилоятларидаги муайян мактаб ва шифохоналар ўртасида имзоланди. Улар Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланади.

**(ЎзА).**

*Гапнинг дангали*

# Аравани ким қандай тортаяпти?

Абдуқаҳҳор Абдуллаев, ўзи айтганидек, тиши чиққандан бери деҳқончилик қилади. Деҳқонмисан деҳқон. 2001 йилда ҳар гектар ердан 67,8 центнердан пахта олди. Бундай натижага нафақат Касби туманида, балки Қашқадарё вилоятида ҳам ҳеч ким эришгани йўқ.

— Юқори ҳосил олишнинг сири нимада? — сўрайман ундан.

— Ҳеч қандай сир-пири йўқ, — дейди у оддийгина қилиб. — Ишлаш керак, холос. Ишлаганда ҳам, ишнинг кўзини билиб ишлаш керак. Ўзимдан қиёс: далага чигит қададимми, уйқум келмайди. Ишлаб чарчамайман. Даладан чиққим келмайди. Ернинг меҳри зўр-да, ўзига тортаверади.

— Фақат шуми? — ажабланиб яна савол бераман.

— Шу, — дейди-да, у оҳиста кулади. — Мен китоб ҳам ўқийман. Ҳозирги деҳқон ўқимаса, бўлмайди.

Ана, гап қаерда, сир нимада? Хўш, илғорларнинг мўл ҳосил олиш сирини ўрганиш, тажрибасини оммалаштиришнинг иложи йўқми? Хусусан, у ишлаётган Касби туманидаги «Комилон» хўжалигида. Фикримизча, ушбу хўжаликда шундай интилишнинг ўзи йўққа ўхшайди. Бундай дейишимнинг сабаби бор. «Комилон» хўжалигида ўтган йили 4406 тонна ўрнига 3910 тонна пахта етиштирилди. Гектаридан 28,6 центнер ўрнига 25,2 центнердан ҳосил олинди. Бу туман кўрсаткичидан 2,2 центнер кам. Нега шундай бўлди? Бир пудратчи ҳосилдорликни қарийб 70 центнерга етказса-ю, бошқаси 20 центнерга ҳам етказолмаса, буни қандай тушунмоқ керак? Нима, ер ёмонми ёки сув ва ўғитни кам олганми? Йўқ. Фақат Абдуқаҳҳор Абдуллаевга ўхшаб ҳовлима-ҳовли, молхонама-молхона юриб нури тўпламаган, аммо саратонда соянинг қуюғини топиб олган. Хўжалик раҳбари эса ўзи билан ўзи овора бўлган. Шундай бўлмаганда эди, «Комилон» ҳам, «Пахтакор» хўжалиги ҳам давлат буюртмасини бажарарди. Касбининг хирмони янада салмоқлироқ бўларди.

Туман пахтакорлари бу йил пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишмоқчи. Бунинг учун Абдуқаҳҳор Абдуллаевга ўхшаш деҳқонлардан ўрганиш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш зарурга ўхшайди. Айниқса, тумандаги Беруний номли фермерлар уюшмасида. Негаки, бу уюшмадагилар бултур ҳосилдорликни бор-йўғи 11,2 центнерга етказишди, холос. Ҳолбуки, режа 25,8 центнер этиб белгиланган эди.

Шу ўринда Усмон Юсупов туманидаги Р.Ғойибов номли фермерлар уюшмасидаги қизиқ ҳолатни айтмаса бўлмас, деб ўйлаймиз. Қаранг, фермер И.Эшпўлатов гектар ҳисобига 59,5 центнердан, А.Бегалиев 58,4 центнердан пахта олибди. «Шерхон» фермер хўжалигида эса бу кўрсаткич 2,1, «Бинокор»да 10, «Мирбадал бобо»да 9, «Мақсуд»да 13 центнерни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин? Нима, улар саратонда совқотиб, қўллари ишга бормаганми? Ё бошқа сабаб борми?

— Бир ариқдан сув ичамиз, еримиз ҳам бир хил, аммо натижа бошқа-бошқа, — дейди уюшма раиси Ғайрат Бегалиев. — Бунинг сабабини тажрибасизлик ёки уқувсизликдан қидирмаслик керак. Кимдир қайсидир раҳбарга кўз ё қулоқ бўлса ҳам ажаб эмас. Шундай бўлгач, бундай «деҳқон» юқори ҳосил олишни ўйлайдими? Фақат енгил-елпи кун кўриш, ерга нима экса ҳам, фойда олишни ўйлайди.

— Р.Ғойибов номли фермерлар уюшмаси майдонига бу йил 500 гектар ер қўшилди, — дейди Усмон Юсупов тумани ҳокими Қурбон Ҳайдаров. — Уни бошқа бир жойдан олиб берганимиз йўқ. «Экин экишга яроқсиз», деб қамишзорга айлантириб қўйилган ерларни яна оборотга киритдик. Ерга ер қўшаяпмиз. Аммо Автономов номли хўжаликда 280 гектар ер йўқлиги маълум бўлиб қолди.

— Ерни биров кўтариб кетмайди-ку?!

— Тўғри. Балансда бор, лекин амалда йўқ. Ҳисоб-китоб чалкашиб кетган. Энди буни йил охирида — октябрда тўғриласа бўлади.

Ана, холос! Шунақаси ҳам бўларкан-а? Шунинг ўзиёқ туманда ерга муносабат қандайлигини кўрсатмаяптими?

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги Президентимиз нутқи деҳқонман деганнинг юрагидан жой олди. Сабаби — деҳқоннинг юрагидаги гап бўлди. Энди унга амал қилиш керак, холос.

— Ебқочарлар кўпайиб кетди, — деди суҳбат чоғида деҳқонлардан бири. — Бундайлар ерни тўйдиришни эмас, балки киссасини тўлдиришни ўйлашади. Бошқа нарса билан ишлари йўқ. Шунинг касрига ер ишдан чиқаяпти. Ҳосилдорлик пасайиб кетмоқда.

Бу ҳам ўйлаб кўришга арзийдиган гап. Хуллас, бугун — бошдан дўппини олиб қўйиб, ўйлайдиган кун. Эртага кеч бўлади. Вақт кутмайди. Баҳор шабадаси кезиб, дов-дарахтларни уйғотиб юрибди. Демак, вақт кетаяпти. Умр ўтаяпти. Умр эса ғаниматдир. Худди шу каби ернинг умрини беҳуда ўтказишни ҳам кечириб бўлмайди. Тилагимиз шуки, Қашқадарёнинг пахтачиликдаги довруғи тиклансин. Аммо аравани ким қандай тортаяпти, шунга кучи, қобилияти, салоҳияти етадими, деб ўйлаб кўриш ҳам зарар қилмаса керак. Фикримизча, кўп нарса шунга бориб тақалмоқда.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДИҚҚАТ: БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

### АЛЛО, СИЗНИ ҚЎМИТА РАИСИ ЭШИТАДИ!

*Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!*
*Шу йил 12 март куни соат 10.00 дан 12.00 гача сизлар учун*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХЎЖАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

Агар солиқ билан боғлиқ саволларингизга шахсан қўмита раисидан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг: (8-371) 144-89-29, 144-44-51.

*Мабодо қўмита раисига берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали баён этишингиз ҳам мумкин.*

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

### Таълим тизими: изланиш ва натижалар

***Мустақил Ўзбекистоннинг янги солномасида фахрли ўрин тутадиган муҳим воқеалардан бири — Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридир. Давримизнинг бу улуғвор ҳужжати қабул қилинганига шу йилнинг август ойида 5 йил тўлади. Мана, беш йилдирки, бу стратегик феномен мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида, таълим тизимини энг замонавий талаб-эҳтиёжлар асосида ўзгартиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар йўлида йўлчи юлдуздай порлаб турибди. Ўтган беш йил эса, чиндан ҳам таълимда туб янгиланишлар даври бўлди.***

***Бу ҳаётбахш жараённинг самаралари биз меҳнат қилаётган Тошкент молия институти ҳаёти ва фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.***

# Кадрлар камоли — Ватан камоли

Аввало, шуни айтишимиз керакки, Тошкент молия институтининг ўзи — мустақиллик фарзандидир. Бу олий таълим даргоҳи 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Тошкент халқ хўжалиги институтининг молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизида дунёга келди. Институт ҳозирги кунда молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод йўналишида республикамизда таянч олий таълим маркази ҳисобланади. Таълим даргоҳимиз Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошира бориб, Ватанимиз учун бозор иқтисодиёти шароитига мос молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, касбий педагогик тайёргарлик каби таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаб келмоқда.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўп босқичли узлуксиз таълимни вужудга келтириш вазифаси ҳам белгиланган. Шунга биноан, институтимизда худди шу мақсадга қаратилган модел ишлаб чиқилиб, у ўз ичига молия, солиқ лицейлари, банк коллежи, бакалавриатура, магистратура, малака ошириш институти, аспирантура, докторантура босқичларини қамраб олган. Институтнинг 5 та факультетида, Солиқ ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш маркази ва магистратура бўлимларида ҳамда 25 та кафедрада 350 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Базавий олий ўқув юрти сифатида институтимиз қошида мутахассислар ва иқтисодчи педагогларнинг, энг аввало, коллежлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими янгидан ташкил этилди. Профессор-ўқитувчиларимиз эса турдош касб-ҳунар коллежлари ҳамда шу тизимдаги академик лицейлар учун танловлар асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнлари тайёрламоқдалар.

Институт ўқув жараёнига бозор иқтисодиётига оид янги фанлар киритилган ва улар янги педагогик технология асосида ўқитилиши йўлга қўйилган. Талабаларимиз хорижий тилларни чуқур ўрганмоқдалар. Уларнинг энг сўнгги компьютер техникаларида малакали ишлай олишларига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда институтда замонавий компьютер синфлари, «Интернет» тармоғидан фойдаланиш ва масофадан туриб ўқитиш ишлари самарали ишламоқда. Кутубхоналаримиз заҳираси эса ўзимизда чоп этилаётган дарслик ва қўлланмалардан ташқари чет эл адабиётлари билан узлуксиз бойитилмоқда.

Ҳозирги кунда институт хорижий давлатлардаги турдош университетлар, элчихоналар билан илмий-амалий, ўқув-услубий йўналишлар бўйича ҳамкорлик ўрнатмоқда. Жумладан, АҚШ, Германия, Англия, Бельгия, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Исроил ва ривожланган бошқа мамлакатлар таълим муассасалари, «Фульбрайт», «Тинчлик корпуси», «ТАСИС», «СОРОС», «ESI», «DAAD», «ANPEKS», «АКСЕЛС» ва бошқа дастурлар билан ўзаро фойдали ишлар олиб борилмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари мазкур дастурлар доирасида чет мамлакатларда стажировка ўтказмоқдалар ва малака оширмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, жумладан, таълим муассасалари олдига тадбиркорликни йўлга қўйиш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятларини излаш, шу йўсинда ўқув юртлари инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ҳам қўйилган. Шунга биноан, институтимизда бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш мақсадида «BANNUR» халқаро бизнес мактаби, «Молиячи» минтақавий бизнес мактаби, Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш маркази, «Илм-фан-маслаҳат» ўқув-маслаҳат маркази, «Холис таълим» ўқув-таълим маркази, Солиқ ташкилоти учун кадрлар тайёрлаш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Илм-фан — тараққиёт мактаби, жамият ривожини олға силжитувчи кучдир. Жумладан, молия институти олимлари ҳам ҳозирги кунда «Бозор муносабатларини тартибга солишнинг молия-кредит механизмлари» муаммоси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, республика Фан ва техника давлат қўмитасининг фундаментал тадқиқотлар соҳасида эълон қилган грантларида фаол иштирок этмоқдалар. Айрим олимларимизнинг ишлари республикада кенг миқёсда тарқалиб, халқимизнинг маънавий-маърифий ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир. Жумладан, профессорлар Қ.Усмонов ва М.Содиқовларнинг «Ўзбекистон тарихи», Қ.Усмоновнинг «Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди?» Ё.Абдуллаевнинг «100 саволга 100 жавоб» китоблари сўзимизнинг далили бўла олади.

**«Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, — деб таъкидлайди Президентимиз, — биринчи навбатда, ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт».**

Давлатимиз раҳбарининг худди ана шу талабидан келиб чиққан ҳолда, институтимизнинг келгуси ривожланиш йўли ҳам белгилаб олинган.

Бу йўналишда катта мақсад ва ниятларни ўзида акс эттирган дастурий режаларимиз бор. Масалан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи деб аталмиш иккинчи босқичида таълим жараёнида талабаларнинг билим ва малака ошириш имкониятлари янада кенгайтирилади. Жумладан, уларга профессор-ўқитувчиларни танлаш ҳуқуқи берилади. Бундай усул, аввало, таълим сифатини яхшиласа, қолаверса, ўқитувчиларимизнинг ўз устларида ишлаш масъулиятларини оширади.

Яна бир катта ниятимиз — институтни мутлақо янги, замонавий ўқув мажмуасига эга қилиш. Бу албатта, бюджетдан ташқари маблағларни кўпроқ ишлаб топиш, чет эл инвестициясини кенгроқ жалб этиш, ҳомий ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришни талаб қилади. Бунга имкониятларимиз бор.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 14 февралида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталдилар. Жумладан, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлашда юз бераётган муаммоларга ҳаммамизнинг эътиборимизни қаратдилар. Бундай муаммони ҳал этиш учун ўқув юртларининг ўзи ҳам тадбиркорлик билан фаолият олиб бориши керак. Молия институти бу борада тегишли вазирликлар, корпорациялар, компаниялар, ташкилотлар, банклар, корхоналар билан алоқани янада ривожлантиришга киришди. Аввало, институтни тамомлаш арафасида турган талабалар худди шу жабҳаларга ишлаб чиқариш амалиётига жўнатилмоқда. Бу танишув жараёни, аввало, битирувчи талабаларнинг ўзлари учун иш топишида, қолаверса, ўша жойлар уларнинг тимсолида зарур кадрларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институтимиз ва унинг профессор-ўқитувчилар жамоаси Ватанимизнинг кучига куч, камолига камол қўша оладиган етук мутахассис молиячи кадрларни етказиб бериш йўлида бор куч-ғайратини сарфлайверади.

**Элшод НАБИЕВ,**
**Тошкент молия институти проректори.**

## 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



### Алоҳида палаталар ташкил этилди

*Самарқанд вилояти физиотерапия шифохонаси бугунги кунда республика аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Одатда кимдир касалликдан шифо топиб кетса, даволаган ўша шифокор ва шифохонанинг довруғи зумда атрофга ёйилади. Бу ерга қўшни ва олис вилоятлардан ҳам беморлар келишаётганининг сабаби шунда.*

*Шифохонада, айниқса, қарияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бу ерда улар учун алоҳида палаталар ташкил этилиб, кўркам ва чиройли қилиб жиҳозланди. Бундан қарияларимиз мамнун.*

**СУРАТДА: бош шифокор Бойсун Хитоев фахрийлар билан суҳбатлашмоқда.**

**Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### Янги замон одамлари

***Абдурасул кечаги ҳаётини мойжувозга қўшиб қўйилган отга ўхшатаверади. Ҳар куни шу иш, шу ҳаёт, от ўт ейди, сув ичади. Қорни оч эмас. Аммо у ҳам кенг бўшлиқлар оша қанот ёзишни, яйловларни чангитиб хуморидан чиқишни истайди. Аммо шўрликка бундай имконият йўқ...***

***Тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилгач, Абдурасул Назаров эркин парвоз қила олишини тушуниб, қувончдан энтикди. 2-3 сигири, 10-15 қўйи бор эди. Шуларни кўпайтиришга илгари собиқ ҳукуматдан, партиядан қўрқарди.***

***Ўн бир нафар фарзанди бор, ўнтаси ўғил. Қўйиб берсанг, улар отаси бошчилигида тоғни талқон қилишади. Мана энди ақлингни ишлат, кучингни кўрсат, дейилмоқда.***

# Яшашни Назаровдан ўрганинг



Халқимизда эзгу одат бор: яхши ният билан терак экади. Абдурасул 60 сотихлик томорқасининг уч томонига икки қатордан қилиб терак ўтқазди. Илгари асосан маккажўхори экиб келинган ернинг ярмини анорзор қилди. Шундай боғ яратдики, унда мевали дарахтлар у ёқда турсин, ҳатто мурч дарахти ҳам ўсаяпти.

Булар тадбиркорликнинг бир томони, холос. Ота болаларини асаларичиликка ўргатди. Ҳаш-паш дегунча асалари уялари (яшиклари) 40 тага етди. Бу ҳам яхши даромад. Ўттиз туп лимон кўкартириб, вояга етказди. Бу ҳам пул. Қорамолини кўпайтирди. Ҳовлисининг бир томони дала, қўй-эчки боқса ҳам бўлади. Уч-тўрт йил ичида улар ҳам 100 бошга етиб қолди.

Ўзи — овчи. Давлатга мўйна сотади. Бир ўғлининг от чопишга ишқибозлигини сезиб, чопқир улоқчи от олиб берди. Яна бир ўғли машина созлайдиган уста бўлиб, бутунлай ишга, демакки, даромад топишга шўнғиб кетди. Яна бир ўғли ул-бул сотадиган дўкон очди.

Одамларда буғдой бор. Шуни ҳисобга олиб, тегирмон қурди. Энди унга, емга зориқиш йўқ.

Ҳовуз қазиб, балиқ урчитди. Сув ости банд-у, тепаси бўш. Шунинг учун ўрдак, курка сотиб олди. Бир томонида нутрия, ондатра. Бундай ўйлаб қараса, бу ҳовузнинг «ҳосили» қанча бўларди? «Каттароқ иш қиламан, — деб дилидан ўтказди Абдурасул. — «Мирзачўл» давлат хўжалигида ташландиқ ер кўп. Бир жойда ҳеч кимнинг назарига тушмаган кўл ҳам бор...»

Бу фикридан ўзи ҳушёр тортди. Эртасигаёқ бульдозер топиб, кўлни кенгайтиришга киришди. Оз эмас, олти ярим гектарлик кўл пайдо бўлди. Унга янги ариқдан сув олиб келди. Суви янгиланиб турсин деб, нариги томонига насос ўрнатди. Майда балиқлар келтириб, уларни боқа бошлади. Ўрдакларни кўпайтирди. Сувда яшайдиган мўйнабоп жониворларни урчитди. Балиқ, ўрдак сотадиган бўлди.

Тадбиркор ўз имкониятлари ҳали тугамаганини пайқади. Бир ўғли ирригатор эди. Уни фермерликка ундади. Ўктам Назаров фермер хўжалиги ташкил қилиб, 63 гектар ер олди. Ғалла экди, пахта ўстирди.

Ота таълимини олган Ўктам ўртамиёна ишлаб юришдан уялди. У ҳам отасига ўхшаб тадбиркорлик қилишни ўйларди. 2000 йилнинг бошида Сирдарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бориб, энг янги, энг истиқболли чигит нави экишга рухсат сўради. «Гулбаҳор» нави бор экан. Ўктам ўрганиб чиқди. Толаси пишиқ, сувсизликка чидамли, ҳар бир кўсак 5-6 грамм пахта беради.

Шу навни экди. Биласиз, қатор йиллардан бери Сирдарё вилояти пахта режасини бажаролмайди, Мирзаобод тумани ҳам. Лекин Ўктам Назаров 47 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 21 центнер ўрнига 24 центнердан пахта йиғиштириб олди. Бу олингани — 1 — 2- нав ҳосили. Қолганини бошқа фермерларга «ол, теравер» деб совға қилиб юборди.

— Нега у ёғини термадингиз? — сўрадим мен.

— Чунки сорти паст ҳосилдан келган даромад харажатни қопламайди, — деди Ўктам.

Ҳаммаси тушунарли. Ўктам ҳақиқий иқтисодчидай иш тутди. Бунинг устига, режани ярим ҳам қилолмай юрган ҳамкасбларига саховат кўрсатди.

— «Гулбаҳор», биласизми, менга нега ёқиб қолди? — дейди Ўктам Назаров менинг қизиқишимни пайқаб.

— Қани, айтингчи?

— Пахтанинг бу навига икки баравар ҳақ тўланади. Сувсизликка чидамли. Ёнимдаги «Саховат» фермер хўжалигида ҳам шу нав чигит экилди. Лекин сув етишмай, бир марта ҳам суғорилмади. Бошқа нав чигит экилганида, бутун ғўза қуриб кетиб, бир грамм ҳам пахта олишолмасди. Улар бўлса, ҳар гектаридан 14 центнердан ҳосил топширишди.

— Келаси йилда ҳам «Гулбаҳор» навини экдингизми?

— Йўқ, — деди Ўктам чуқур уҳ тортиб.

— Нега?

— Беришмади. Мирзаобод тумани ерларининг бонитет бали паст, яъни замин ориқ. Кам ҳосилли, деб топилган. «Гулбаҳор»ни ери семиз хўжаликларга беришди.

— Унда режа нима бўлди? Сув етишмади, дедингиз.

— Буғдой режасини ошириб бажардик. Пахта хирмони ҳам яхши бўлди. Жорий йил ҳосилига ҳам яхши ҳозирлик кўрдик.

... Яна оила бюджетига қайтамиз. Ҳозир Абдурасул Назаров қўрасида юз бошдан ортиқ қўй-эчки, ўн бош қорамол мавжуд. Ўтган йили 6 тонна анор ва 2 тонна асал олинди. 400 туп терак етилиб турибди. Далада плантация усулида экилган 2 гектарлик теракзор ҳам гуркураб ривожланаяпти. Бу йилдан бошлаб олди теракларни иморатга ишлатса бўлади. Анорнинг ўзидан камида уч миллион сўм, асалдан ҳам уч миллион сўм даромад олинади. Қўй, мол кўпаяяпти. Ортиқчаси сотилади. Деҳқончилик, бошқа соҳа даромадлари ҳам қўшилса, оила бюджетига катта пул тушади. Назаровнинг чамасида, умумий даромад ўн беш миллион сўмдан ортади.

Абдурасул Назаров акаси Абдурайим билан биргаликда анча ерда бамбук ҳам ўстиряпти. Қамишсимон бу ўсимлик яхшигина қурилиш ашёси бўлади. Ҳовлидаги токларнинг валишларига энди ёғоч ходачалар ўрнига бамбук ишлатилади. Шунингдек, бамбук том ёпишда, томорқа атрофини ўрашда, қўйлар учун қўралар ясашда ҳам қўл келади.

Кечагина сигирини иккита қилишдан қўрқиб яшаган Абдурасул Назаров бугун шундай катта мулкдорга айланди. Ўғиллари, 50 нафардан ортиқ набиралари ҳам унинг изидан боришаяпти. Қани энди ҳар бир оила бошлиғи Абдурасул Назаровга ўхшаса! Ўзлари сояда ётиб олиб, кичик томорқасини ҳам шўрага бостириб юрадиган, «Берсанг — еймaнг, урсанг — ўламан» деб нолийдиган уқувсиз дангасалар яшашни ва ишлашни Назаровлардан ўрганишса!

**Саминжон СУЛТОНОВ, журналист.**



*Республикамизда телекоммуникация тармоғи тобора ривожланиб бораяпти. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда яшовчи ҳар кишига исталган манзилдаги қариндош-уруғлари, танишлари билан суҳбатлашиш имконини бермоқда. Одамларнинг ана шу мушкулини осон қилишда, албатта, алоқачиларнинг хизмати катта. Мақсад Мирзаева — шундай касб соҳибаси. У узоқ йиллардан буён «Тошкент-Телеком» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Оққўрғон филиалида бош алоқачи вазифасида ишламоқда.*

СУРАТДА: Мақсад Мирзаева.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

***Баҳор байрами арафасида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларига «Наврўз» деб аталган қисқа муддатли омонатни таклиф этади.***

Йилига 60% тўланадиган омонатга маблағлар 2002 йил 5 мартдан 20 мартга қадар (30 кун муддатга) қабул қилинади.

**Агар “сўм карточкаси” омонатининг совринли ўйинида иштирок этсангиз, сизга 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача ютуқни қўлга киритиш имконияти ҳам берилади.**

*Тиражда 2002 йил 21 мартга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.*

Ўйин 2002 йил 28 мартда ўтказилади.
Тираж натижаларини «Ўзмиллийбанк»нинг барча муассасаларида билиб олишингиз мумкин
*(Маблағлари «Наврўз» омонатига ўтказилган сўм карточкалари тиражда иштирок этмайди).*




***Супермаркетлар, дўконларда товарлар харид қилаётганингизда, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг хизматларидан фойдаланганингизда «Ўзмиллийбанк» сўм карточкалари ёрдамида улар ҳақини тўлаш чоғида қулайликни ҳис этасиз.***

Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан сўм карточкаларини бепул олишингиз, шунингдек, «Наврўз» омонатларини очишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83.
www.nbu.com


### Газетада босилмади, аммо...



# Газ таъминоти яхшиланди

Таҳририятга Балиқчи тумани, Ўрмонбек қишлоғида истиқомат қилувчи Абдужаббор Қаҳҳоровдан шикоят хати келди. Унда қишлоқнинг «Бўз», «Телмон» маҳаллаларида газ ёнмаётгани, шу боис баъзи муаммолар пайдо бўлгани ҳақида ёзилганди.

Текшириш ва чора-тадбир белгилаш учун таҳририят томонидан ушбу хат Андижон вилояти ҳокимлигига жўнатилганди. Унга вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Мақсумовдан қуйидаги мазмунда жавоб мактубини олдик:

*«Шикоят хати тегишли мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, 10 январга қадар маҳаллаларда газ таъминоти қониқарсиз бўлган. Истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш мақсадида туман газ бўлинмаси ходимлари ҳамда аҳоли иштирокида газ тақсимлаш ўрнатилди. Камчиликлар бартараф этилди. Маҳалла аҳлининг табиий газ билан таъминланиши яхшиланди.*

*Газ ёнмаган кунларга тўловлар учун аҳолидан ҳақ олинмайдиган бўлди. Газ таъминоти вилоят ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинди».*

## Сизга шеър айтгим келди



Туроб НИЁЗ

### Чорлаш

*Бу дамларга ишонма, жоним,*
*Ўтиб кетар зумдай юз йиллар.*
*Бахтли ўтсин, десанг ҳар оним,*
*Ғам нелигин билмасин диллар.*
*Десанг, фақат ишон висолга,*
*Айриликқа бермагил имкон.*
*«Нега?» дея тутма саволга,*
*Дийдор билан тирикдир инсон.*
*Сен мен учун тоза ҳавосан,*
*Сен бўлмасанг, қайтар нафасим.*
*Дардларимга ўзинг давосан,*
*Ўзинг орзум, ўзинг мақсадим.*
*Балки менсиз яшай биласан,*
*Балки менсиз куладир бахтинг.*
*Ўзни алдаб нима қиласан?*
*Афсус билан ўтади вақтинг.*
*Гиналарни бир четга қўйгил,*
*Ундан кўра келгил ёнимга.*
*Ташнасан-ку, меҳримга тўйгил,*
*Иккиланмай айлан жонимга!*

### Муножот

*Оллоҳим, бандангга сабр бер,*
*Яхшига бахт, ёмонга жабр бер.*

*Ризқини бутун қил элимнинг,*
*Ерга ёмғир, кўкка сабр бер.*

*Молу дунё бермасанг, майли,*
*Бировга хор қилма, қадр бер.*

*Дучор этма ногоҳ кулфатга,*
*Ғафлатда қолдирса, таъбир бер.*

*Тўғри йўлдан адаштирма ҳеч,*
*Адашганга чора, тадбир бер.*

*Куйчининг орзуси куйламоқ,*
*Илҳом бер, қалам бер,*
*танбур бер.*

### Бир сиқим тупроқ



*Қўлларингга олдинг бир*
*сиқим тупроқ,*
*Хоҳласанг, ўпиб қўй,*
*хоҳласанг, сочгил.*
*Лекин у кўнгилга ўхшайди кўпроқ,*
*Дардли юрагингни сен унга очгил.*

*Ахир доно Ҳайём айтмаган бекор:*
*Кўзалар яралмиш инсон ҳокидан.*

*Асли шундай экан, шубҳа не даркор?*
*Шу тупроқ улуғдир жаннат боғидан.*

*Айтавер тортинмай гуноҳ, савобинг,*
*Тангри яхши билар, тупроқ*
*ҳам билсин.*
*Қиёмат кунида берар жавобинг*
*Олдидан майли бу бир синов бўлсин.*

*Бу сиқим тупроқда қанчалар сир бор,*
*Уларни англамоқ осонмас лекин.*
*Бу сиқим тупроқда меҳр бор,*
*нур бор,*
*У сенинг дардингни даволар секин...*



*Баҳорнинг илк кунларида...*
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.


«ЎЗДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» РЕСПУБЛИКА ТЕНДЕР БОШҚАРМАСИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

2002 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги бино ва иншоотларга танлов савдолари ўтказилишини маълум қилади ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча пудрат ташкилотларини

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАДИ

| БУЮРТМАЧИ | ИНШООТ НОМИ |
| --- | --- |
| Оролбўйи ягона дирекцияси | 1. Хива тумани, Б.Нуруллаев номли ж/хдаги ҚВП қурилиши.<br>2. Шовот тумани, «Гулистон» ж/хдаги ҚВП қурилиши.<br>3. Боғот тумани, «Ғалаба» ж/хдаги ҚВП қурилиши.<br>4. Хива тумани, Космообод қўрғонини газлаштириш. |
| Капитал қурилиш бошқармаси бўйича | 1. Хива шаҳридаги болалар уйини қайта таъмирлаш. |

Қурилишни молиялаштириш — марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобига.

Пудрат ташкилотлари қуйидаги талабларга мувофиқ бўлишлари шарт: етарли касбий ва техник малакага, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ишончлиликка, тажриба ва обрўли мавқега, фуқаролик ва шартнома тузиш хуқуқ ва имкониятларига эга бўлишлари керак.

Танловда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун 2002 йил 10 мартгача ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача танлов ташкилотчиси — республика тендерларни ташкил этиш бошқармаси Хоразм вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Урганч ш., А.Баҳодирхон кўчаси, 178-уй («Хоразмирқурилиш» биноси).
Телефонлар: 22-6-92-25, 22-4-28-41.

Бир жилд тендер ҳужжатлари баҳоси — 30000 сўм.

Танлов ташкилотчиси томонидан оферталар 2002 йил 30 март соат 9.00гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Оферталар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда очилади.

5384/393


## От спорти

# «ЧАВАНДОЗ»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ



Бу йил, шарқона тақвимга кўра, От йили ҳисобланади. Азал-азалдан от — инсонга дўст, яхши-ёмон кунларда унга ҳамроҳу ҳамкор. Отга инсоннинг меҳри эртакларда сўйланган, достонларда ва қўшиқларда куйланган. Ўша қадим-қадимдан оти бор одам эл орасида бадавлат, баобрў ҳисобланган. Арғумоқлари, тулпорлари беҳисоб мамлакатларни қудратли, зотли юрт, деб билишган.

Ўзбекистон — шундай юртлардан бири. Бу юртнинг алпомишлари ҳам, тўмарисларию барчинлари ҳам чавандозликда беқиёс, от устида ҳарбу зарб олиб бориш санъатида бетимсол бўлганлар. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳамон отда кўпкари, улоқ чопиш ўйинлари энг оммавий томошалар бўлиб келаяпти. Биз мамнунмизки, улоқ ўйини бамисоли ўзбек кураши каби аста-секин оламшумул спорт турларидан бирига айланмоқда.

Бизда улоқ ўйинидан ташқари, пойга, тўсиқлардан сакраш каби от спорти турлари ҳам ривож топиб келаяпти. Бунда, айниқса, пойтахтимиздаги «Жокей» («Чавандоз») от спорти клуби заҳматкашлари алоҳида фидойилик кўрсатмоқдалар.

Яқинда бу клуб намояндалари От йили муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини таклиф этиб, матбуот анжумани ўтказишди. Айтиш кераки, бу тадбир ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлди. Журналистлар шу анжуман баҳона республикамизда от спорти тарихи, унинг ҳозирги аҳволи, клубнинг келгусидаги режалари билан танишишдилар. Клуб жамоатчилиги эса журналистлар кўмагида от спортига кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотиш имкониятига эга бўлдилар.

Тўғриси, бутун умрини тулпорлар билан дўстлашувга бағишлаган, республика ва халқаро миқёсдаги от спорти мусобақаларида довруқли унвонларга эришган ва фахрли совринларни қўлга киритган кишилар билан учрашувнинг ўзи мароқли. Бунинг устига, мазкур даргоҳда дунёнинг турли минтақаларига мансуб, наслдор, беллари турнанинг бўйнидек узун ва чиройли, товусдай товланувчи, «ҳа» деса, кўкка сапчигудей ҳолатда турган арғумоқлар ҳар қандай кишини маҳлиё этади. Уларни бу ерда шу қадар зийраклик ва меҳрибонлик билан, ишнинг кўзини билиб тарбиялашаётганликларини айтмайсизми! Анжуман қатнашчилари бу нафис табиий зотларнинг иштирокида пируэт, пассаж, пиаффе каби турли маҳомдаги отда юриш санъатларини мириқиб томоша қилдилар. Тўсиқлардан бургутдек сакраб, кенг майдонда камон ўқидек учиб бораётган арғумоқларнинг шиддати ўзи бир олам!

Ҳозир клубда элликка яқин от бор. Улар тоза наслдор инглиз,немис йўрға отлари, Россиянинг Орёл вилоятидан келтирилган йўртоқи отлар, туркманларнинг чақмоқдай ёниб турган Ахал-текин учар отлари ва, албатта, ўзимизнинг севикли қорабайиримиз!..

«Жокей» клуби ташкил топганига атиги бир ярим йил бўлди. Дастлабки ютуқлар ҳам қувончли. Масалан, клуб аъзоси Ғайрат Назаров ўзининг «Блок» лақабли отида ўтган йилнинг октябрь ойида тўсиқлардан сакраш бўйича мусобақада қатнашиб, республика чемпионлигини қўлга киритди.

— Отам ва амаким ном қозонган чавандозлар эди. Улар неча-неча кўпкариларда улоқ олиб, йирик совринларни қўлга киритиб юришарди, — деб ҳикоя қилади клубнинг бош тренери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Алихон Азизов. — Қаерда тўй, кўпкари бўлса, улар, албатта, таклиф қилинарди. Бироқ 60-йилларда кўплаб, ҳатто наслдор отлар ҳам гўшт комбинатларига топшириб юборилди. Бунинг оқибатида, масалан, қорабайир зотли отлар жуда камайиб, «Қизил китоб»га тушди.

Мустақиллик боис, от спорти яна оёққа тураяпти. Бизнинг клубимиз ана шу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Худо хоҳласа, Ўзбекистоннинг от спорти дунёда довруқ қозонадиган кунлар узоқ эмас...

Ҳозир клуб аъзолари навбатдаги Осиё ўйинлари баҳсига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Клубнинг от спорти манежи кўз-кўз қиладиган даражада гўзал. Пойга майдони, мусобақа тўсиқлари халқаро андозаларга мослаб жиҳозланган. Клуб аъзолари Олимпия чемпионлигини қўлга киритишдай юксак орзу-мақсадлар билан машқларни кучайтирмоқда.

Клуб аъзоларини ёшлар ҳисобига кўпайтириш йўлида ҳам изчил иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда «Жокей» («Чавандоз») машқларига 10-11 ёшли мактаб ўқувчилари таклиф этилаяпти. Чунки машғулотларни айни шу босқичда бошлаган спортчилар катта ютуқларга эришиши мумкинлиги амалиётда исботланган.

— Клубимизга, — дейди Алихон Азизов, — худди шу ёшдаги болалар шаҳарнинг турли туманларидан келишмоқда. Машғулотлардан кейин эса улар хотиржам уйга етиб олишлари учун транспорт керак. Биз ҳозир ана шундай воситага эҳтиёж сезиб турибмиз...

Клубимиз фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи айрим ҳомийлар ҳам топилаяпти. Масалан, Тошкентдаги «Адидас» фирмаси клубга машғулот ўтказиш учун келаётган ўқувчиларни бепул спорт формалари билан таъминлаяпти. Биз учун даромад топишнинг яна бир имконияти пайдо бўлди. Пойтахтимизда яшаб, хизмат қилаётган хорижликлар отда сайр қилиб, ҳордиқ чиқариш учун клубимизга ташриф буюрмоқдалар. Бундай саёҳатларнинг 2 соати учун чет давлатларда 100 доллар олинади. Аммо биз отда бир соатлик сайр учун атиги 5 минг сўм оламиз. Хорижлик мижозларимиз бундай арзон-гаров хизматдан жуда хурсанд. Биз уларнинг таклифларига биноан, клуб қошида ресторан, сауна, бассейн, биллиардхона, болаларни ўйнатиш учун майдончалар, автоустахона ва автомобиль ювиш нуқталарини ташкил этдик. Шу тариқа бозор талабларига мос, киройи хизмат кўрсатиш маданиятини ўрганаяпмиз. Бундан тушадиган маблағни эса от спортини ривожлантиришга сарфлайверамиз.

**М.САФАРОВ.**


ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ҲАМДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БОШҚАРМАЛАРИ

буюртмачилигида марказлашган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан вилоятдаги мавжуд умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари ва касб-ҳунар коллежларини ўқув парталари, доскалари ва мебель тўпламлари билан таъминлаш бўйича

ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



*Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, хусусий корхоналар ва фирмалар қатнашиши мумкин.*

**Маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар:**
- *зарурий касбий ва техник имкониятларга;*
- *ишончлилик;*
- *зарур ишчи ресурсларига;*
- *моддий маблағлар ва шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*
- *молиявий барқарорликка;*
- *касбий тажрибага эга бўлиши шарт.*

*Барча таклиф этиладиган маҳсулотлар махсус сертификатланган (лицензияланган) бўлиши шарт.*

Савдода қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб савдо ташкилотчиси — республика тендерларни ташкил этиш бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин.

Бир комплект тендер хужжатлари нархи — 20000 сўм.
Тендер танловлари эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кейин ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уй, «Нефтегазсаноатқурилиш» тресті биноси, 4-қават. Тел./факс: 4-46-37.

5382/357



Россия фирмаси йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиси - қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.

Стандарт №15

Тел. (99871)169-39-06, 169-70-67


## САВОЛ БИЗДАН...

**Халқаро анжуманларда қарор ёки шартнома матнини овозга қўймасдан қабул қилиш нима деб аталади?**

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:

***Преамбула.***

Бу ҳақда Чилонзор туманидан Баҳром Шарипов хабар берди.


СТОПТУССИН

БИЗ УЧУН ЙЎТАЛ ҚЎРҚИНЧЛИ ЭМАС

- СТОПТУСИН ТОМЧИЛАБ ИЧИЛАДИГАН
- СТОПТУСИН ТАБЛЕТКАЛАРДА
- СТОПТУСИН ФИТО




Galena

Рўйхатдан ўтган Б-8-242 №2980
Б-250-95 №30001
Б-250-95 №29901



Ҳурматли хонимлар ва жаноблар !

«АСАКА» БАНКИ

2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини 30%дан 50%гача камайтирганлигини такроран эълон қилади.

«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !

Маълумот учун телефонлар:
120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.
Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида жойлашган.

5277/161


Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати раёсати Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист
**Иззатилла АНОРБОЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси бошқарма бошлиғи Саидаҳмад Мирзабековга онаси
**САОДАТ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХОАТБ «Алп Жамол Банк» жамоаси банк бошқаруви раиси ўринбосари Наримон Каримовга онаси
**ЗАЙНАБ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси жамоаси ишлаб-чиқариш диспетчерлик бўлими бошлиғи Маъруф Баҳритдиновга падари бузруквори
**АБДУҲАМИД отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 294, 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Ғ. ЖАБИЕВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.15*
1 2 3 4 5 6